

ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ЭЛЛИК БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгашининг 55-сессиясида туман Кенгаши депутатлари, сектор раҳбарлари, идора-ташкилот раҳбарлари, туман ҳокими ўринбосарлари, ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Сессия ишига Халқ депутатлари туман Кенгаши раиси, туман ҳокими А.Нормамаатов раислик қилди.

Сессия аввалида туман Кенгаши депутати Райҳон Менгзияевага Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзолик гувоҳномаси ҳамда кўкрак нишони Кенгаш раиси, туман ҳокими А.Нормамаатов томонидан топширилди.